

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 16 февраль
сешанба
№ 06 (1262)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

fb.com/hudud24official/

t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

ЖИНОЯТ-КИДИРУВ БЎЛИМИ БОШЛИГИ
СОХТА БЎЛИБ ЧИҚДИ 6-БЕТ

ТЕЗКОР ВАКИЛГА ТЕГИШЛИ
ЖАЗО ТАЙИНЛАНДИ 6-БЕТ

ВОЯГА ЕТМАГАН ФАРЗАНДЛАРИМ
НАФАҚА ОЛИШИ МУМКИНИМИ? 6-БЕТ



БАРҶАЁТЛИК ТИМСОЛЛАРИ

*Бори элга яхшилик қилгилки,
мундин яхши йўқ —
Ким, дегайлар даҳр аро қолди
фалондин яхшилие!*

*Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзаю бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин борурида ихтиёрим йўқтур.*

*Толёй йўқи жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишниги, айладим – хатолиг бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди?!*

*Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқисидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқисидур,
Яхши киши қўрмагай ёмонлиг ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқисидур.*

*Ёд этмас эмиш кишини меҳнатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни гурбатда киши.
Кўнгулим бу гарибликда шод ўлмади оҳ,
Гурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.*

*Туз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Сарриштаи айшидин кўнгулни зинҳор
Уз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.*

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР



ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР МОҲИЯТИ:

уларни ҳамма билиши,
ҳар бир уйга кириб бориши керак!



АҲОЛИНИНГ хуқуқий маданиятини оширишда ва хуқуқий ахборотни тарқатишда, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришда қонун ҳужжатлари билан боғлиқ айрим ҳолатлар талқин қилинганда ноаниқлик юзага келса, жамоатчилик фикри чалғиши, аҳолининг давлат органларига ишонсизлиги ортиши табиий.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш, хуқуқий тарғибнинг қай даражада самарадорлигини ўрганиш ва хуқуқий маданиятни янада юксалтиришга қаратилган норматив-хуқуқий ҳужжатларга бир назар ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, Конституциянинг 30-моддасида Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг хуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги белгиланган. Юридик жиҳатдан энг олий кучга эга ҳужжатда мазкур норманинг акс эттирилиши фуқароларнинг ахборот олиш эркинлигига кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

2-БЕТ

ДАВЛАТ ДАСТУРИ: АСОСИЙ ИҚТИБОСЛАР

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастури 274 банддан иборат бўлиб, йил давомида Дастурда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун жами 29,5 триллион сўм, 2,6 миллиард доллар ва 57,5 миллион евро йўналтирилади.

2021 йилда 22 та мактабгача таълим ташкилоти бинолари, 31 та янги мактаб, 16 та олий таълим муассасаси бинолари, 24 та соғлиқни сақлаш объекти ҳамда 23 та спорт объекти қурилиши кўзда тутилган.

2021 йил якунига қадар Меҳрибонлик уйлари-нинг уй-жойга муҳтож 900 нафар чин етим битирувчилари уй-жой билан таъминланди.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳисобидан хорижда бакалаврият таълим дастурлари бўйича ўқитиш тизими жорий этилиб, 2021 йилда 100 нафар ёшларнинг хорижга таълим олиш учун юборилиши таъминланди.

2021 йил 1 майдан бошлаб мамлакатимизга 2005 йил 1 январга қадар келиб, доимий яшаётган, шунингдек, мамлакатимизда 15 йил давомида доимий яшаб турган фуқаролиги бўлмаган (чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган) шахслар томонидан истак билдирилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартиби жорий қилинади.

Республика ҳудудида давлат ўрмон фондига қирмайдиган дарахт ва буталарнинг қимматбахо навлари кесилишига жорий этилган мораторийнинг амал қилиш муддати 2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилади.

Ҳар бир кесилган дарахт ва буталар учун компенсация тарзида 10 туп қимматлиги жиҳатидан кесиладиган дарахт ва буталардан кам бўлмаган, йирик ўлчамли кўчат экиш ҳамда уларни камида икки йил давомида парвариш қилиш, ноқонуний кесилган дарахт ва буталар учун эса уч йил давомида парвариш шарти билан 100 туп кўчат экиш мажбурияти киритилди.

Давоми. Бошланиши 1-бетда

ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР МОҲИЯТИ: УЛАРНИ ҲАММА БИЛИШИ, ҳар бир уйга кириб бориши керак!

Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш, бир томондан, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқий билимларнинг муайян даражасини ўзлаштириб олиши учун зарур бўлган шарт-шароит яратишни, иккинчи томондан — турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий маорифни табақалаштириш мақсадида Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор билан Адлия вазирлигига қонун ҳужжатларини фуқароларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, судлар, адлия органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ўз вақтида етказиш ваколати юклатилди. Лекин ҳуқуқий тарғибот борада аниқ бир тизим, аниқ бир йўналиш белгилаб берилмаган эди.

2017 йилга келиб ҳуқуқий ахборотни тарқатиш тизими янада такомиллаштирилди, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, ижрочилар ва аҳолини қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлашнинг сифатини ошириш, ушбу соҳадаги ишларни ташкил этишга принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадида Президентимизнинг “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарорга кўра, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, уларга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларни ижрочиларга ўз вақтида етказишни таъминлаш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунириш, шунингдек, тегишли қонун ҳужжатлари матнидан монеликсиз фойдаланиш имконини яратиш ва ўз тарқибий ва ҳудудий бўлинувчисида қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хилда қўлла-нилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муҳим вазифалари сифатида белгиланди. Бунда Адлия вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этиладиган рўйхатдаги давлат идоралари ва ташкилотларига

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни етказиб беришчи асосий идора сифатида белгиланди.

Шу билан бирга, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш ишларини тизимли ва узвий ташкил этиш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 9 январдаги 5618-сонли Фармони билан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” Концепцияси тасдиқланди. Мазкур Концепция ҳам ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган муҳим қадамлардан бири бўлди. Сабаби, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришиши, мустақам иродали, ўз ҳуқуқларини билладиган ва қонунларни ҳурмат қиладиган, ҳуқуқий билимларини қўндалик ҳаётда қўллаш оладиган, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ва ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз муносабатда бўладиган фуқароларни тарбиялашнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратиш зарур эди.

Ҳуқуқий ахборотни тарқатишни янада кучайтириш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 19 майдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан Адлия вазирлиги қошида “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази қайта ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 678-сонли қарори билан Марказ фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳал этилди. Мазкур қарор асосида Марказга ҳуқуқий ахборотларни тарқатиш, тарғибот йўналишида креатив гоьлар асосида, замонавий стандартларни қўллаган ҳолда ўзгача ёндашувлардан фойдаланиш каби муҳим вазифалар юкланди.

Мазкур марказга “миллий” мақоми берилиши ҳам бежиз эмас. Марказ аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий ахборотларни ҳамда тарғибот материалларини тайёрлаш ва тезкор тарқатиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг расмий эълон қилиш соҳасида республиканинг етакчи давлат муассасаси ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида Адлия вазирлигининг асосий вазифаси қабул қилинган ҳужжатларни маъсулларга етказиш, тушунириш, амалиётда қўллашга қўмаклашиш ва назорат қилиш эканини алоҳида таъкидлади. Қонун ва

қарорларни нафақат давлат идоралари маъсуллари, балки барча фуқаролар билиши, англаши ва уларни ўз ҳаётда татбиқ этиши зарур. Чунки ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий ва муҳим талаби шундай.

Бунинг учун, энг аввало, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш ва тушунтириш, барчага содда ва оддий тилда етказишга эътибор қаратиш талаб этилади. Жумладан, бунда қонунлар тарғиботи, ўз-ўзидан ҳуқуқий тарғиботнинг роли яна бир қарра ошганлигини эътироф этиш зарур. Қонунларга ҳурмат ва иттифоқлик биринчи галда турли соҳа вакилларининг ўз ишига, вазифасига бўлган муносабатини ўзгартиришини тан олиш керак.

Бу борадаги аниқ топшириқларни ўзимизга аллақачон белгилаб олганмиз. Мурожаатномада таъкидланган “Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда”, деб номланган кўрсатувнинг илк сони эфирга узатилди.

Марказимиз томонидан “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар тўлами”, “Инсон ва қонун” газетаси, “Ҳуқуқ ва бурч” журнали, турли юридик адабиётлар, дарсликлар, шарҳлар ва турли қўлланмалар тайёрланмоқда. Бу борада кўп йиллик фаолият давомида 900 га яқин номдаги 10 миллион нусха юридик адабиёт нашр этилган, йилига 100 га яқин китоб ярмаркалари ўтказилган, ҳозирда 500 дан ортиқ номдаги адабиётлар мавжуд бўлган юридик адабиётлар дўкони фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда ахборот тарқатишнинг энг қўлай воситалари орасида ижтимоий тармоқларнинг ҳам аҳамияти ортиб бормоқда. Шу боис, бугун Марказ томонидан юритилаётган “Ҳуқуқий ахборот” телеграм канали мамлакатдаги дастлабки, ишончли ҳуқуқий манбалардан бири бўлиб қолмоқда. Айни пайтда ушбу каналнинг ўзбек тилидаги версиясини 200 мингдан ортиқ фойдаланувчи кузатиб боради. Каналнинг ўзбек тилидан ташқари, латин алифбосидаги, рус ва инглиз тилларидаги версиялари ҳам ишлаб турибди. Hudud24.uz, bolahuqqlari.uz, huquqiyportal.uz, test.adliya.uz сингари сайтларимиз самарали фаолият юритмоқда. Умуман олганда, ҳозирда “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот марказининг ижтимоий тармоқлардаги фойдаланувчилари сони 300 минг нафарга яқинлашди.

Шунингдек, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича кўргазмали материаллар, инфографикалар, комикслар ва аудиовизуал роликлар тайёрланмоқда. Имконияти чекланган, кўзи ожиз шахсларга ўз ҳуқуқларини тушуниришга қўмаклашиш мақсадида грант маблағларини жалб қилган ҳолда брайл алифбосида 2 жилдлик “Кўзи ожиз шахсларнинг ҳуқуқларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўлами” 2 минг ададда нашр этилди.

Мазкур тўплам Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти ташкилот ва муассасаларига, халқ таълими, олий таълим муассасалари ҳамда йирик кутубхоналарга етказиб берилди.

Ҳуқуқшуносларимиз томонидан ягона вақт режимда аҳолидан келиб тушаётган саволларга “Шу ерда ва ҳозирок” тамойили бўйича жавоблар бериб боришмоқда. Мазкур савол-жавоблар таҳлил қилиб борилиб, келгусида кўп тақорланган ёки долзарб бўлган мавзулар бўйича қўлланмалар чоп этилади.

Шу билан бирга ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида хорижий тажрибадан самарали фойдаланиш ва янги таклифларга таянган ҳолда фаолиятни амалга ошириш ҳам фойдаланган холи эмас.

Масалан, Беларусь Республикасининг барча вилоятларида минтақавий ҳуқуқий ахборот марказлари мавжуд бўлиб, уларнинг асосий вазифалари ҳуқуқий ахборот тизимини яратиш ва ривожлантиришда иштирок этиш, маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларига, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларга ҳуқуқий ахборот материалларини тарқатиш (етказиб бериш), маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни йиғиш ва эълон қилишдан иборат.

Шунингдек, ҳозирги кунда Қозғистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурда Қозғистон Республикаси Қонунчилик ва ҳуқуқий ахборот институтининг фаолияти йўлга қўйилган. Институт ҳудудий филиалларининг асосий вазифалари республикада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ягона давлат ҳисобини юритиш, шунингдек, ҳудудий маълумотлар базаларини шакллантириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш-

дан иборат. Президентимиз томонидан ҳар бир вазирлик ва идора зиммасига ўз фаолиятини маҳаллаб тизимда ташкил этиш вазифаси қўйилди. Бу ҳуқуқий ахборотни аҳолига етказишда муҳим аҳамиятга эга, албатта. Шунинг учун бу тизимни халқимизга янада яқинлаштириш мақсадида миллий ҳуқуқий ахборот марказимизнинг жойлардаги бўлинувчиси ташкил этиш бу борадаги ишларимизни янада жонлантириш учун зарур шарт-шароит яратди ва қўйидагиларни “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази филиалларининг асосий вазифаси этиб белгилаш мақсада мувофиқ бўлади:

- жамиятда аҳоли ва ижрочиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий ахборотларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамиятини кенг ёритиш бўйича ахборот-таҳлилий медиа материалларни, шу жумладан, аудио ва видеороликлар, ижтимоий рекламалар, воқеа жойидан репортажларни тайёрлаш ва тарқатиш;
 - миллий базада маҳаллий давлат органлари томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва суд қарорларини расмий нашр этилишини таъминлаш, уларнинг туркумлаштирилган ҳисобини ва назорат нусхаларини электрон шаклда юритиш;
 - фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда хизматлар кўрсатиш, маҳаллий давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг бюртмасига кўра шартнома асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда бошқа ҳуқуқий ва бошқарув ҳужжатлари намуналарини тайёрлаш, шунингдек, ижтимоий-ҳуқуқий ахборотларни кенг ёритишга қаратилган медиа материалларни тайёрлаш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш.
- Шундагина ҳуқуқий тарғибот бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан самаралироқ ва фойдалироқ бўлиши мўқаррар.

Шерзод БАҲРОНОВ,
Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази директори
ўринбосари

Самарқанд
вилояти

232 нафар ходим устамасиз қолган

Жиззах
вилояти



ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2019 йил 4 июндаги “Аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасида ишлар самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан Каттақўрғон туман адлия бўлими томонидан мониторинг ўтказилиб, туман ободонлаштириш бошқармасининг ушбу қарорга риоя этиш ҳолати ўр-

ганилиди. Мониторинг натижасига кўра, ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2020 йил январь оқи учун бошқарманинг барча ходимларига ойлик тариф ставкасининг 15 фоизи миқдориди ҳамда бошқарманинг назоратсиз хайвонларни тутиш бўлимлари ходимларига меҳнатнинг зарарли шароитлари учун — лавозим маошига 20 фоиз миқдориди устамалар ҳисобланмасдан, жами 27 миллион 32 минг 377 сўм устама тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, юқоридаги қарорга асосан, 2020 йил январь оқидан бошлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармасининг фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси, Тошкент шаҳри туманларининг Ободонлаштириш бошқармалари, Нукус шаҳри ва шаҳарлар — вилоят марказлари ободонлаштириш бошқармалари, вилоят

бўйсунувдаги шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари ходимларига — ойлик тариф ставкасининг 15 фоизи миқдориди ҳамда фаолияти хайвонларнинг жасадларини зарарсизлантириш ва утилизация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган ободонлаштириш бошқармаларининг назоратсиз хайвонларни тутиш бўлимлари ходимларига меҳнатнинг зарарли шароитлари учун — лавозим маошига 20 фоиз миқдориди устамалар белгиланган.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, туман адлия бўлими томонидан туман ободонлаштириш бошқармасига тақдимнома киритилиб, 232 нафар ходимга тўланиши лозим бўлган жами 27 миллион 32 минг 377 сўм устама тўлаб берилиши таъминланди.

Шохрух ТОШБОЕВ,
Каттақўрғон туман адлия бўлими
етақчи маслаҳатчиси

ҚАЛАНДАРОВ КОМИССИЯНИНГ ҚАРОРИДАН НОРОЗИ БЎЛДИ ВА...



ШАРОФ Рашидов тумани “Гандумтош” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Махмуд Қаландаровнинг Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими томонидан 1993-1998 йилларда “Янгийўл” фирмасида ишлагани ш стажлари ҳисобга олинмаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан қонун доирасида ўрганиб чиқилди.

Фуқаро М.Қаландаровнинг 2017 йил 11 декабрда ёшга доир пенсия тайинлашни сўраб пенсия бўлимига ёзган аризаси ва тақдим этган ҳужжатларидан шу нарса маълум бўлдики, ҳақиқатан ҳам унинг меҳнат дафтарчасида қайд этилган 1993 йил 4 мартдан 1998 йил 31 декабргача “Янгийўл” фирмасида ишлаган даври мазкур туман хўжалик ҳисобидида идораларо шахсий таркиб ҳужжатлар архивининг маълумотномасида иш ҳақини ҳисоблаш китобларида қайд этилмаганлиги муҳрланган.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Шароф Рашидов тумани бўлими пенсия ва нафақаларни тайинлаш комиссияси 2021 йилнинг 8 январиди М.Қаландаровнинг юқорида қайд этилган йиллардаги иш стажлари ҳисобга олинмаслиги тўғрисида қарор қабул қилган.

Шунингдек, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Жиззах вилояти бошқармасининг 2021 йил 6 январдаги хати билан М.Қаландаровнинг юқорида қайд этилган иш стажини ҳисобга олишини имкони йўқлиги ҳам маълум қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 56-бандида иш стажини тўғрисида ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда меҳнат фаолияти давлари суднинг қарори билан белгилашни кўрсатилган.

Шунга кўра, адлия бошқармаси томонидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Ш.Рашидов тумани бўлимига нисбатан мазкур муаммони бартараф этиш юзасидан Жиззах туманларо маълумоти судига киритилган даъво аризаси қаноатлантирилиб, комиссиянинг 2021 йил 8 январдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида хал қилув қарори чиқарилди ва Махмуд Қаландаровнинг меҳнат дафтарчасида мавжуд бўлса ҳам, ўтмай қолган иш даври пенсияга қўшиб ҳисобланадиган бўлди.

Илғоржон РАШИДОВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими

Қорақалпоғистон
Республикаси

Фуқаронинг 8 та дўкони бузилган аммо компенсация тўланмаган

НУКУС шаҳар адлия бўлими томонидан фуқаро К.К.нинг Нукус шаҳар ҳокимлиги томонидан бузилган дўконларининг компенсация пуллари берилмаганлиги ва уларни ундиришда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида, шаҳар ҳокимлигининг 2016 йил 13 августдаги қарорига асосан фуқаро К.К.га тегишли бўлган 8 та дўкони бузиш ва бошқа жойга кўчириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Фуқаро К.К. томонидан ўзига тегишли компенсация пуллари ундириб беришни сўраб, бир неча маротаба суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳамда бошқа юқори туровчи ташкилотларга мурожаат қилинган, аммо фуқаронинг мурожаати қаноатлантирилмасдан қолдирилган-

лиги аниқланди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва шу вақтда ўз кучида бўлган Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низомда мулкдорга етказилган зарар ўрни тўлиқ қоплашни кўрсатилганлигига қарамадан фуқаро К.К.нинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари шаҳар ҳокимлиги томонидан қўпол равишда бузилган.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, адлия бўлими томонидан 2020 йилнинг 14 декабрь кунини фуқаро К.К.нинг бузилган ҳуқуқларини химоя



қилиш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманларо судига даъво ариза киритилиб, фуқаро К.К.га 395 миллион 744 минг 032 сўм компенсация пулини ундириб бериш тўғрисида суд қарори чиқарилиб, фуқаронинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

Б.НАЖИМОВ,
Нукус шаҳар адлия бўлими катта
маслаҳатчиси

Навоий
вилояти

Қўшимча тўловсиз қолган ўқитувчи адлияга мурожаат қилди



УЧҚУДУҚ туманидаги “Бўстон” даҳасида яшовчи фуқаро Наби Усмоновнинг Учқудук туман халқ таълими бўлимидан норози бўлиб қилган мурожаати туман адлия бўлими томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилди.

Ўрганиш давомида туман Мудофаа ишлари бўлимининг 2020 йил 30 ноябрдаги маълумотномасига асосан фуқаро Н.Усмонов 2004 йил 30 сентябрдан 2016 йил 12 февралгача Учқудук туманида жойлашган ҳарбий

қисмда шартнома асосида ҳарбий хизматчи бўлиб ишлаган.

2019 йилнинг октябрдан Учқудук туман халқ таълими бўлимига қарашли 9-умумий ўрта таълим мактабига ишга қабул қилинган. Бироқ унга 2019 йил октябрь — 2020 йил ноябрь ойларида олдинги иш стажлари ҳисобга олинмасдан қўшимча тўловлар тўланмаган.

“Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типидидаги Зафаробод поёсласи бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларига муайян давр ишлаганлик учун ойлик тўловлар тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, мазкур ҳудудларнинг бюджет ташкилотлари ходимларига муайян давр ишлаганлик учун ойлик тўловлар, ходимнинг юқорида келтирилган шаҳарлардаги бюджет ташкилотларида ишлаган иш стажидан келиб чиқиб, қуйидаги миқдорларда — 3 йилгача

0,25 фоиз, 3 йилдан 5 йилгача 0,5 фоиз, 5 йилдан ортиқ бўлса 0,75 фоиз қилиб белгиланган.

Аммо туман халқ таълими бўлими томонидан фуқаро Н.Усмоновга тумандаги бюджет ташкилотиди 11 йилу 6 ойдан ортиқ ишлаган бўлишига қарамадан, белгиланган миқдорнинг 0,75 фоизи эмас, балки 0,25 фоизи миқдориди ойлик ҳақи тўланган. Унинг Учқудук туманида жойлашган ҳарбий қисмда ишлаган иш даври инobatга олинмаган.

Туман адлия бўлими томонидан халқ таълими бўлими бошлиғи номига киритилган тақдимномадан сўнг фуқарога тўланмасдан қолган 8 миллион 505 минг 110 сўм ойлик тўлов тўланиши таъминланди.

Йигитали ЭРМАМАТОВ,
Учқудук туман адлия бўлими
бошлиғи



“БҮЙНИ ОҚ” ОРОЛ

Ва

Кадимда одамлар бу ерда оҳақтош қазиб олишган, “Мўйноқ” орол бўлиб, чўзинчоқ шаклга эга бўлган ва харитада оқ шаклда тасвирланган. Шунинг учун маҳаллий халқ Мўйноқни “Бўйни оқ”, деб аташган. 1939 йилдан 2000 йилгача Мўйноқда балиқ консерва заводи фаолият юритган. Мазкур заводда консерва, балиқ уни, совун ишлаб чиқарилган ва бу маҳсулотлар, заттоқи уруш йилларида Ленинград қамалига етказилган. Урушга биргина Қорақалпоғистондан 64 минг одам кетиб, шундан 30 мингга яқини қайтиб келган. Урушга одамлар Мўйноқдан кемаларда олиб кетилган. Бу ҳақда турмуш ўртоғи ва ўғлини урушга қузатган аёл қиссаси бор. У эрдан қора хат олган, ўғлини кутиш учун ҳар куни пристанга чиқарди. 80-йиллардан бошлаб сув чекина бошлади. Аммо аёл доимо суви йўқ, кемалар кумга тикилиб қолган пристанга келар ва ўғлининг йўлига кўз тикарди. Одамлар унга, “Ана, бу ерга бошқа келманг, энди сув йўқ, кемалар ҳам юрмайти, ўғлингиз қайтиб келса ҳам бошқа йўлдан келади”, дейишса-да, аёл: “Ўғлим ҳали ёш, уни шу йўлдан олиб кетишган, у бошқа йўлни билмайди, денгиз қайтиб келса, ўғлим ҳам қайтиб келади”, деб ўлганча кумларга, узокда сув сингари жимирлаётган саробга тикилиб, ҳаётдан кўз юмган дейишади.

“Мўйноқ”нинг ҳаёти денгиз билан боғлиқ эди. 1970 йилларнинг бошларида Орол орқага чекина бошлади. Бир неча йиллар ичида 500 дан орტიқ кемалар кумга абадий “михлиниб” қолди. Улар металлма топиширилиб, ҳозир атиги 11 та кема “кемалар қабростони”да мунгайганича ўтган йилларни эсга солади, эҳ.



Орол одамлардан “хафа” бўлганмиди?

Мўйноқдаги музейда рассом Рафаэль Мативисянинг “Сароб”, деган сурати бор. Орол денгизи ҳалокатга учраганда, рассом кумга ботиб қолган кема олдига ўтириб, ухлаб қолганида тушига сувда сузаётган кемалар киради. Уйғонганида бу тушининг билиб, юраги увишади. Сўнг у “Чекинган денгиз” суратини чизади. Мативися хотира дафтарларида суратнинг тарихини ёзиб қолдирган. Унда ёзилишича, рассом эрталаб бакир-чакирдан уйғониб кетади. Эркалар кўллари-ни юқориға кўтариб, Худоба нега уларга бундай офатни юбораётгани, ундан сақлашини, денгизнинг қайтиб келишини илтижо қилиб, йиглаб сўрарди. Ҳамма денгиз томон югурарди. Рассом ҳам қўшилиб югурганида, денгиз бир кечада 1-2 километрга чекинганини, кирғоқ бўйлаб турган кемалар эса кумга

ботиб қолганини кўради.

Орол одамларга ҳаёт бахш этувчи, иш берувчи, қорнини тўйдирувчи қудратли тўлқин эди. Бир кечада унинг орта чекиниши мўйноқларни даҳшатга туширди. Афсуски, улар музожаат этган ҳокимият вакиллари ҳам Оролни ортага қайтара олмади. Халқнинг кўнглини денгиз биздан хафа бўлгани учун кетмоқда, деган хавотир эгаллади. Ростдан ҳам, Орол одамлардан “хафа” бўлганмиди?

1965 йилларга қадар Орол сувининг қон томири бўлган Амударё сувидан режасиз, кишлоқ хўжалиги экинларини сўғориш учун фойдаланиш, охири-оқибат дарё сувининг денгизга жуда ҳам миқдорда етиб боришига сабаб бўлди. Инсоният фаолияти натижасида ҳавога жуда кўп миқдорда чиқариб ташланаётган ис газлари ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, ўз навбатида, иқлим ўзгаришининг тезлашини олиб кела бошлади. Денгизга қуйилаёт-

ган дарё сувининг камайиши билан биргалликда бугунаш жараёнари кучайди.

— Ўртача 30-40 йиллардан сўнг Ўзбекистоннинг икки азим дарёси Амударё ва Сирдарё қуриши мумкин. Бунинг асосий сабаби иқлим ўзгариши ва ҳаво ҳароратининг кўтарилиши оқибатида ана шу дарёлар бошланаётган музликларнинг эриб битишидир. — дейди Ўзбекистон гидрометеорология қўмитасининг мутахассиси Надежда Гавриленко. — Чунки инсониятнинг экологияга антропоген таъсири натижасида сўнгги 100 йил давомида ҳаво ҳарорати 1,4 даражага кўтарилган. Бугунги кунда биз Орол ва Оролбўйи худудларининг ҳароратини кузатаймиз. Бир вақтлар худудда 11 та ҳаво ҳароратини кузатувчи метеостанциялар мавжуд эди. Аммо Орол қуригач, уларнинг кераги бўлмай қолди. Шунингдек, Қорақалпоғистонда 6 та агрометеопостлар мавжуд. Ўзгидромет мутахассислари Орол ва Оролбўйи худудларини экологик экспертизадан ўтказиб туришади.

Айрим мутахассисларнинг фикрига қўра, Орол ва Каспий денгизлари ўртасида ёрик пайдо бўлиб, сув ана шу тектоник ўзгариш оқибатида пайдо бўлган ёрик орқали Каспий денгизга ўтиб кетган, деган тахминлар ҳам мавжуд. Нима бўлган тақдирда ҳам денгиз қуриди. Бир пайтлар “бебош” номини олган Амударёнинг сувлари Оролга етиб келмапти. Онда-сонда ёғадиган ёмғирлардан ташқари денгизни тўлдирадиган бирор бир ирмоқ ҳам қолмади.

“Ўлик” денгизи

Ниҳоят, Орол денгизига етиб келди. Денгиз ботаётган қуёш нурлари остида жуда ҳам махзун эди. Оролни кўриб ҳайратландим, ва... юрагим ачишди, тўғрироғи оғриди. Салкам уч соат давомида бир пайтлар денгиз тўлқинлари мавж урган, 40 дан ортиқ балиқ турлари, денгиз жониворлари яшаган, ҳозирда эса бепоён чўлга айланган денгиз тубида юрдиқ. Гидимиз (йўл бошловчимиз) Октябрь Дўспановнинг айтишича, Оролда ҳозирда бир дона ҳам балиқ яшамайди. Сувнинг минераллашу даражасининг ортиши (ҳозирда бир литр сув таркибидеги туз миқдори 152 граммборат) уни ҳаёт учун мутлақо яроқсиз қилиб қўйган. Оролнинг ботаётган қуёш нурлари остида мавжланаётганини кузатар эканман, ҳаёлимга Исроил давлати худудининг бир қисмида жойлашган “Ўлик” денгизи келди.

Унинг шўрланиш даражаси шу қадар кучлики, бир пайтлар тирик уммон вақт ўтиши билан “ўлган”. “Ўлик” денгизнинг тиниқ сувлари тубида ғайритабиий жониворларни эслатувчи туз кристалларини, Орол денгизи кирғоқларида эса бу ерга энди ҳеч ҳам етиб келмайдиган Амударёнинг лойларини кўриш мумкин. Бугунги кунда денгизда фақат артемия, деб аталувчи планктонларгина истикомат қилади. Уларни сўйдиган жониворлар йўқ, аммо шу ерда ҳам инсон “ўлиб” бораётган денгиздан сўнгги маротаба фойдаланиб қолишга, унинг охириги “жон”ни суғуриб олишга ҳаракат қилаётганининг гувоҳи бўлидик. Орол кирғоқлари бўйлаб қазилган кичик хавзаларга артемияларни йиғишмоқда. Чунки ташқи бозорда уларнинг нархи анча баланд.


Денгиз бўйида бўлиб чарлоқларнинг кичкиригини эшитмадим. Қора, Ўртаер, Мармар, Сарик, Оқ, Каспий денгизлари... Қасрда бўлмай чарлоқлар кичкиришар, сувга яшин тезлигида шўнгиб, тумшукларидеги кичкина балиқ билан қўкка парвоз қилишар эди. Орол денгизда эса жимлик, сукунатни фақатгина сувнинг заифгина кирғоққа келиб урилаётган овозигина бузади. Марказий Осиёнинг “Ўлик” денгизи...

Устюрт платоси ва тарихий Ипак йўли

Ўзбекистон 2016 йилдан буён амалга оширилаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилати томонидан илгари сурилган 17 та барқарор ривожланиш мақсадларининг 16 тасига қўшилди. “Денгиз экоти-зимларини асраш”, деб номланган 14-мақсадга қўшилишдан фойда йўқ, деб ҳисобланди. Чунки Марказий Осиё республикалари, хусусан, Ўзбекистоннинг иқлимининг муътадиллаштириб, минглаб одамлар, ҳайвон ва ўсимликларга жон бахшида этиб турган Орол денгизи инсонлар хотирасида ўтмишга айланди.

Инсонлардан жабр кўриб, 200 километр ортага чекинган Орол денгизига йўл Устюрт кенгликлари узра ўтган эди. Археолог, тарих фанлари номзоди Октябрь Дўспанов бошчилигида йўлда кетаётди, бундан минг йиллар илгари яшаб ўтган сак, массагет қабилалари руҳи уйғонгандек бўлди. Устюрт платосигача бўлган худуд ҳам бундан минг йиллар илгари денгиз туби бўлган. Аммо денгиз чекиниши билан одамлар ўз боқувчилари ҳисобланган Оролнинг ортдан кетишган.

Қўнғирот туманининг энг



машҳур қисми Устюрт пасттексислигига ўтганимизда кўз олдимизда ажойиб манзара ҳосил бўлди. Кўз илғамас кенглик яшилликка бурканган. Қушларнинг чўғури, машиналарнинг овозидан чўчиган юмронқозилар бир зумда илгарига яшириниши ажойиб.

Октябрь аканинг айтишича, Устюрт платоси 200 минг км² майдонга эга бўлиб, тексислик 6 миллион 700 йил илгари жаҳон океани тубида пайдо бўлган. Худуд ғарб ва шимол шамолларининг кесипган жойидир. Унинг деворлари — чинқларни узокдан кўриш мумкин. Деворлар турли хил рангга эга — оч сарикдан, янн яшил, қўнғир тусчага. Айнан уларнинг нураган жойлари худди ўзга сайёрага ўхшаб каньонларни ҳосил қилган.

Массагет, сарматларнинг қабрлари ва қадимий маёқ

Юракни титратадиган афсона

Устюрт пасттексислиги доимо одамлар билан гавжум бўлган. Ҳозирда пасттексисликда 1000 дан ортиқ турли даврларга тегишли бўлган қабрлар, маёқ ва неолит даврига тегишли 60 та тураргоҳ қолдиқларини кўрамыз. Қўхна Ипак йўли ҳам айнан шу ердан ўтган. Устюртда Белмули қарвон саройининг аркаси, деворлари 4 метр баянликча бўлган Алан қалъа қолдиқларини ҳам кўриш мумкин. 1983 йилда Фарбий Устюртга уюштирилган экспедиция жараёнида Байте қадимий мажмуа номини олган ёлдорликлар топилган. Улар асосан даҳо-массагетларнинг қабрлари бўлиб, 30 фойзигина ўрга-



КЕМАЛАР “ҚАБРИСТОНИ”

Эссе



Тўғри айтдингиз, бу совға мен учун жуда қадрлидир...

Аёл бошини тик тутганча хон олдида чиқи кетди. Айтишларича, кейин уни ҳеч ким кўрмаган, аммо ҳамон тунлари Устюрт узра эган шамол халок бўлган фарзанди дардида куйиб йиғлаётган она оҳини узок-узокларга ёр экан...

— Мазкур қабрлар эрамиздан аввалги IV-III асрларга тегишли, улардаги турли хил белгилар айнан қабрдаги одам қайси қабилага тегишли эканлигини билдирди, — дейди археолог О. Дуспанов.

— Ҳозирги кунга келиб мазкур қабилаарни билдирувчи 180 дан ортиқ белгилар тўпланган. Устюрт доимо одамларнинг яшаш жойи бўлиб, улар доимо денгиз ортидан кетишган. Ҳаттоки, ўз худудларини тошдан қилинган кичик деворлар билан ўраб белгилашган.

Устюрт платосида эътиборимизни тортган яна бир тарихий ёдгорлик — бу қадимий маёқ қолдиқларидир. Маёқ милоддан аввалги V-VI асрларда қурилган бўлиб, денгизга балиқ овлагани кетган кемаларга йўл кўрсатиб турган. Унинг бутунги кунгача сақланиб қолган қолдиқлари хануз улутворлигини сақлаб, аллақачон Оролқумга айланган денгиз тубида алашганларни чорлаётгандек.

Мўйнок туманининг худуди йилдан-йилга кенгаётганининг асосий сабаби битта, у ҳам бўлса, Орол денгизининг тобора орта чекинаётганидир. Расмий равишда Мўйноқнинг худуди 37,9 минг км². Аммо икки уч йилдан сўнг бу рақамлар яна ўзгарса ажаб эмас. Мўйноқда ҳозир 30 минг 900 нафар оқил истиколат қилади, шундан 15 мингдан кўпроги ёшлардир. Юртбошимизнинг Мўйнок тумани борасида қабул қилган қароридан сўнг туманда қатта ўзгаришлар бўлди. Биргина ўтган йили 1000 дан ортиқ иш ўрни яратилди.

Мўйнок тумани марказидан атиги бир километр узокликда “кемалар қабристонини” жойлашган. Чунки Жайхун (Амударё) бугун Оролгача етиб келмапти. Унинг сувлари Мўйнок тумани маркази атрофини ўраб турган 30 дан ортиқ кўлларнигина тўлдирмоқда, холос. Шу сабабли аҳоли асосан балиқчилик билан банд. Тобора чекинаётган денгиз ўз ўрнини майдони 5 миллион кв. метрдан ортиқ бўлган Оролқум номини олган саҳрога бўшатиб бермоқда. Сахро одамларни ҳам ўз домига тортмаслик, кўчиб юрвучи кум-туз бўронлари кўтарилмаслиги учун ҳар йили денгиздан “бушаган” ерларга саксовул уруғи сепилади. Биргина ўтган йили 500 миллион сўмлик саксовул экиш

ишлари олиб борилди. Туманда кишлоқ хўжалиги ҳам ривожланиб, аҳоли асосан кунжут, мош, бугдой, полиз экинларини экмोқда.

— Мен Мўйноқда туғилиб, ўсдим, — дейди Октябрь Дуспанов. — 1990 йилларда қовун-тарвуз мўл бўларди. Эсимда мактабимиздаги бир бола отаси билан тарвуз етиштириб, битта тарвузга ўз исмини, манзилни уйиб ёзган. Тарвуз эса Россияга экспорт қилинган. Маълум вақт ўтгач, Россиядан унга: “Биз сен етиштирган тарвузни едик, роса ширин экан. Раҳмат сенга” деб, хат келган эди. Кейинчалик Оролнинг орта чекиниши сабабли ерларни ҳам туз қоплай бошладим. Мўйнок халқи полиз экинларини экмай қўйди. Ҳозир Амударё сувлари туфайли яна дехқончилик бошланганидан хурсандман.

Бугун Орол денгизи тарихга айлиниб бораётди. Бу ерда ҳаёт қайнаган даврларни намойиш этиш мақсадида очилган Мўйнок тарихи музейи бизни экспонатларга бойлиги, ўта дид билан замонавий тарзда жиҳозланганлиги билан ҳайратлантирди. Нафакат Орол ва “кемалар қабристонини”, балки музей ҳам Мўйноқда туризм ривожига ўз хиссасини қўшишига амин бўлди.

Судочье кўли фламинголар ватаними?

Оролбўйи худудининг энг машҳур кўлларида бири Судочье, қорақалпоқ тилида “Сууы душше” (Суви чучук), деб аталади. Чунки 1970 йилларгача кўлнинг суви чучук бўлган ва балиқчилик ривожланган. Судочье кўли Амударё дельтасида жойлашган бўлиб, унинг Равшан ва Приемузок ирмоқлари кўлни сувга тўлдириб турган. Аммо Амударёнинг сувидан кишлоқ хўжалигида қўллаб-қўлланадиган натижасида кўл сувининг қамайиши ва кичик кўллarga бўлинишига олиб келди. Орол денгизи қуримачунича унинг бир қисми Судочье кўлига қўшилиб, асосан балиқларнинг урчиш жойи бўлган. 1980 йилларда кўлда бир йилда 2000 тоннагача балиқ тутилган. Айни пайтда кўл Оролдан 85 км. узокликда қолган. Шунга қарамай у ҳамон маҳаллий халқни балиқ билан бокмоқда.

Энг қувончлиси, бу ерга фламинголарнинг қайтишидир. Маҳаллий балиқчиларнинг айтишича, фламинголар бу ерда ин қуриб, бола очади. Демак, фламинголар ватани Ўзбекистон, дея бемалол айтиш мумкин. Чунки ҳоҳ инсон бўлсин, ҳоҳ жонзот у каерда туғилса, ўша ер унинг ватанидир.

Глобал экологик жамғарманинг “Судочье сув ботқоқ худудларининг экологик мониторинги” лойиҳаси бўйича олиб борилган тадқиқотларга кўра, миграция мавсумида кўлда 230 турга яқин қушлар йиғилади. Шулардан 40 мингга яқини ёзда шу ерда яшайди. 2014 йилнинг май ойида орнитологлар бу ерда 7000 га яқин пушти фламинголарни кўришган. Афсуски, Судочье кўлига сафаримиз чоғида биз уларни учратмадик. Аммо табиатнинг қушандаси бўлган инсон ана шу гўзалликдан баҳра олиш ўрнига йўқолиб бораётган Судочье хайвонот дунёсини ҳам йўқ қилиш арафасида. Ноқонуний ов, тақиқланган жойларда балиқ турларини ташлаш оқибатида Судочьеда истиколат қилинган қушлар сонининг қамайишига сабаб бўлаётди.

Староверлар нега Орол бўйига кўчирилган эди?

Судочье кўлининг атрофида бузилган уйлар, нураган балиқчи қайта ишлаш заводи ва староверларнинг қабристонига лўч келдик. Археолог Октябрь Дуспановнинг айтишича, Урал казакларининг бир қисми 1875-1877 йилларда Чор Россия императори Александра II нинг фармонида биноан Қорақалпоғистон, аниқроғи Оролбўйига сургун қилинган. Казаклар 1875 йилдан Қазалинскдан, аввал Первоначальное овули, кейин Петроалександровск (ҳозирги Тўртқўл), Чимбой, Қўнғирот, Нукусага кўчирилди. Янги жойга казаклар тезда мослашиб, Амударё дельтасида балиқ ови, ов билан шугулланади. Ҳаттоки, хужжатларда қайд этилишича, балиқ овини тўлик монополаштиришган. Навигацияни ўрганиб, староверлар Мўйноқдан Чоржугача балиқ, ун, керосин, шакар билан савдо-сотикни йўлга қўйишган.

1920 йилда большевиклар Хи-вада ҳам ўз ҳокимиятини ўрнатган, коллективлаштириш бошланади. Бунга қарши казаклар кўзғолон кўтариб, Чимбой республикаси ташкил этилганлигини эълон қилишди. Аммо 1930 йилларда амалга оширилган террорчилик ҳаракати ҳам казакларнинг матонатини синдирилмайдими. Совет Иттифоқи даврида ҳам улар ўз эътиқоқларини сақлаб қолдилар. Орол чекиниши билан казаклар ҳам 100 йил давомида яшаб, обод қилган жойларини ташлаб кета бошлайди. Боқувчи-сини йўқотган қорақалпоқ, ўзбек, уйғур, татар, рус миллатига мансуб халқлар қатори казакларнинг бир қисми ҳам Ўзбекистоннинг сувли худудларига, қолганлари ўз юрт-

лари Уралга кўчиб кета бошладим. Фақатгина санокли староверларгина Нукусада муқим яшаб қолдилар. Чунки улар Қорақалпоғистонни ўз Ватани, деб билган эди.

Орол денгизидан Нукусага қарама-қарши хислар қуршовида қайтидим. Минглаб одамларга ҳаёт бахш этган денгиз энди даярли йўқ. Унинг қолган қисми ҳам Оролни кутқариш мақсадида тузилган жамғармалар, ажратилган маб-лағларга қарамай қуриб бормоқда.

1993 йили БМТ ва Марказий Осиёнинг беш давлати томонидан Оролни кутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилган. Мазкур жамғарманинг асосий вазифаси — экологик халокатнинг атроф-муҳитга, муҳими, минтақа аҳолиси ҳаётига салбий таъсирини қамайтириш, Орол денгизи ҳавзаси худудидagi биологик хилма-хилликни сақлаб қолишдан иборат. 2008 йил декабрдан буён Оролни кутқариш халқаро жамғармаси БМТ Бош Ассамблеяси ва сессиялари кузатувчиси, деган мақомага эга бўлди. Жамғарма Ижроия қўмитаси Тошкент, Олма-ота, Бишкек, Душанбе, Тошқовуз, Қизил-Ўрда ва Нукус шаҳарларида ўз бўлиmlарига эга. Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси, Давлатлараро барқарор ривожлантириш комиссияси, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси GEF агентлиги Жамғарма тузилмаси таркибига қиради.

Хулоса ўрнида ана шу маб-лағларни йиғилишлар, семинарлар, учрашувлар учун кетказмай, суви тежаш, Оролбўйи табиатини, ўзига хос ўсимлик ва хайвонот дунёсини асраш учун сарфлаш мақсадда мувофиқ бўлар эди. Албатта, қисман бутдай ишлар қилинди. Хусусан, Амударё қирғоқлари бўйлаб янги типдаги қирқиландирилган худуд — “Қуйи Амударё биосфера резервати” ташкил этилди. Ўзбекистон томонидан тақлиф этилган ва БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган “Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экологик халокатнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури” ишлаб чиқилди. Аммо денгизнинг “хафазарчилиги” ҳамон тарқатилган йўқ. У чекинмоқда. Ҳануз ўзига қўз тиккан, қайтишини интизорлик билан кутиб, ҳар кун Аллоҳдан сўраётган инсонлар ноҳасига эътибор бермай, кетмоқда. Чунки одамлар уни жула қаттиқ рағижатланлиги аниқ. Энди эса денгиздан уэр сўраш эмас, ҳеч бўлмаса, хануз одамларни боқатган Оролнинг қолган қисмини асраш кераклигини унутмайлик!

Наргис ҚОСИМОВА,
журналист

нилан. Хануз тилдан-тилга кўчиб юрвучи афсоналарда бу ерларда ҳаёт кечирган қабилалар, уларнинг қахрамонларча ўз она тупроқларини душмандан ҳимоя қилганликларини ҳикоя қилинади. Ана шулардан бири Қумар оналик афсонасидир...

...Қумар оналик ўғли Эрнazarбей ва унинг рафикасини жангга кузатар экан, омон қайтишини тилаб, аждодлар руҳини қўллаб-қувватлашга чакирди. Аммо жанг бирданга тугади, чунки унинг яқин дўсти Эрнazarбейга орқадан туриб ўк узган эди. Сардорларнинг отдан қулаганини кўрган жангчилар саросимага тушишди ва бироздан сўнг душман уларни маҳв этди. Душман хони Қумар оналикнинг гўзаллиги, донолигини эшитган эди. Ўзининг олдида юзига тик қараб турган, сочларига оқ оралаб, кўзлари, пейонасига ҳаёт чизик тортган бу аёлнинг юзига тикилар экан, уни мот қилмоқчи бўлди:

— Ўглингиз Эрнazarбей афсус жангда галаба қозона олмади, аммо мен сизнинг жасурулингиз, гўзаллигиниз ҳақида кўп эшитган эдим. Ҳақиқатан ҳам гўзал экансиз, аммо сизни доно ҳам дейишди. Шу сабабли сизга жула ҳам ёқадиган бир совға қилмоқчиман.

Хоннинг имоси билан мулозимлар усти зарҳал нақшли шойи рўмол ёпилган патнисни олиб келишди. Хон рўмолини олиб, патнисни Қумар оналик олдида сурди. Онанинг тош қаби қотган юраги бир тўлқинланиб, ўпирилиб кетса-да, охи ташқарига чикмади. Патнисда ўглининг пиширилган боши ётарди. Аёл бошидан рўмолини ечиб, авайлаб унга ўглининг бошини ўради-да, бўйидаги таспан уруғидан қилинган маржонни қумуш патнисга ташлаб, хонга қаради:

ЖИНОЯТ-ҚИДИРУВ БЎЛИМИ БОШЛИГИ СОХТА БЎЛИБ ЧИҚДИ

ФАРҒОНА шаҳрида туғилган Сардор Ғаниевнинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) на маълумоти, на касби-кори бор. На тўғри яшашга иштиёқи, на бировга яхшилик қилишга хоҳиши бор. Айни навқирон ёшдаги йигит жиноят кўчасига кирганига ўн тўққиз ёшда бўлганлигини эшитган одам, балки ёшлик қилиб бир марта адашгандир, ахир, инсон ёшлиқда, гўрликда билиб-билмай хатоларга йўл қўйиши мумкин-ку, деб ўйлаши табиий. Аммо Сардорнинг тавба қилиш ўрнига қайта-қайта жиноят содир этганлигини кўриб, нега унинг жиноят кўчасидан чиқиб кета олмаётганлиги ҳақидаги саволга жавоб ахтаради. Ахир, озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш жазоларини такрор-такрор ўташ билан ўн бир йиллик умрини елларга совурган бу йигитга наҳотки бу жазолар сабоқ бўлмаган, уни тўғри йўлга солмаган бўлса?!

Содир этилган такрорий жиноятлар, оғир ва енгил жазолар, унинг кўзини очмаганидан, судда қилган тавба-тазаррулари ёлгон бир чўпчак эканлигидан аф-сусланасиз.

Умрини фирибгарликка бағишлаган бу замонашумининг тўққизинчи жинояти тарихи қандай, деб қизиқатган бўлишингиз табиий.

Наманган шаҳрида жойлашган "Трактир" кафеси раҳбари Х.Надиров ўзини "вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув бўлими бошлиғи Баҳромман", деб таништирган "амалдор"нинг кутилмаган кўнгиригидан ҳайрон қолди. Кўнгироқ қилаётган "ички ишлар ходими"нинг "кеча кафенгиздан овқат олиб кетган танишим заҳарланиб, оғир ахволга тушиб қолди, унга 425 минг сўмлик дори-дармон олиб бердим, шунинг учун пластик картамга ўша пулни ташлаб бе-


рин", деганида эса анча хушёр тортиди...

Бундай режа Сардор Ғаниевнинг ҳаёлига қаердан келди экан, дейсизми? Мана "қахрамонимиз"нинг ўзи бу ҳақида судда нима дейди:

"Ўзимга тегишли бўлган телефон апаратидан дастлаб "YouTube" интернет тармоғига кириб, пул топшининг осон йўлини қидирдим. "Google" интернет тармоғидан Наманган шаҳридаги "Трактир" кафеси ҳақида маълумотларни олиб, кафе раҳбарига кўнгироқ қилиб, ўзимни Наманган вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув бўлими бошлиғи, деб таништириб, бир кун аввал мазкур кафенинг овқатини еган танишим заҳарланиб, соғлиғи ёмонлашганлигини, унга 425 минг сўмлик дори-дармон олиб берганимни айтиб, шу пулни ўзимга тегишли бўлган пластик картага тушириб беришини сўрадим, кафе

бошлиғи бунга рози эканлигини тортди".

Иши хамирдан қил сугурган-дек осонгина ҳал бўлган эстаси фаранг фирибгар пластик картага пул тушишини кутишга ҳам сабр-тоқат қилмасдан "Универсал такси" масъулияти чекланган жамияти диспетчерига кўнгироқ қилиб, буюртма такси хайдовчисига "Трактир" кафеси раҳбарига учрашиб, ундан айтилган пулни олиб келиши кераклигини тушунтирди. Такси хайдовчиси айтилган манзилга бориб, топшириқни бажарди, лекин пулни олган-олмаганлиги ҳақида буюртма эгасини хабардор қилишга улгурмади, унинг телефон кўнгироқларига ҳам жавоб бермади. Бунинг маълум сабаблари бор эди. Ўлжасини кутиб ўтирган сохта "полициячи" на таксидан, на пулдан дарак бўлавермагандан сўнг "такси хайдовчиси пулимни олиб қочиб кетди шекилли", деб ўйлаб, "Уни-



версал такси" МЧЖ раҳбарига хайдовчи устидан шикоят қилди.

Аслида ундай эмас, воқеа бошқача эди. Яъни, кафе раҳбари Х.Надиров Сардор Ғаниевнинг топшириғи билан келганини билдирган хайдовчига "бироз кутиб тулинг, хозир пулни олиб чиқаман", деди-ю, ўзи ички ишлар идорасига кўнгироқ қилиб, вазият ҳақида хабар берди. Ички ишлар бўлими ходимлари тезда келиб, такси хайдовчиси билан суҳбатлашиб, ҳолатга аниқлик киритгач, "сохта жиноят-қидирув бўлими бошлиғи"нинг пластик картасига пул ўтказиш йўли билан фирибгарни қўлга олишга муваффақ бўлди.

Ўзгани алдаш ва ёлгон йўл топшининг осон йўлини танлаган Сардор Ғаниев каби одамларнинг виждони ҳам арзон туради. Улар арзимас пулга виждонни,

ҳатто Ватанни ҳам сотишлари ҳеч гап эмас. Афсуски, бугун ҳаётда бундай тоифадаги одамларни тез-тез учратаямиз.

Воқеалар ривожига эса қуйидагича: ички ишлар бўлими ходимлари томонидан бу жиноят ҳодисаси юзасидан тегишли хужжатлар гувоҳлар ёрдамида расмийлаштирилиб, жиноят иши судга оширилди. Фирибгарнинг суд залида қилмишидан пушаймонлиги, навбатдаги тавба-тазарруси эшитилди. Бу сохта пушаймонлардан сўнггисини ёки йўқми буниси бизга қоронғу.

Сардор Ғаниевга иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Ақром АРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди бош консультанти,
Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

МАЪЛУМКИ, ички ишлар органлари ходимларининг вазифалари юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жиноятларни барақатни аниқлаш, айбдорларнинг қонуний жазога тортилиши учун терговга қадар текширув бўйича далилларни тўплаш кабилардан иборат.

Аммо Қўқон шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси 2-сон ИИБ жиноят-қидирув гуруҳи тезкор вакили Зухриддин Қўзибоев (исм-шарифлар ўзгартирилган) жиноятчиларни аниқлаш ўрнига далилларни сохталаштириш орқали бир эмас, 7 та жиноятни яширган.

Гап шундаки, 2019 йил 26 март куни соат 12:00 ларда Қўқон шаҳридаги "Мумтоз" номли буюм бозори ҳудудида номаълум шахслар фуқаро 3.Усмонованинг бир дона сумкаси, унинг ичидаги фуқаролик паспорти, 200 минг сўм нақд пули ва 1 миллион 300 минг сўмлик уяли телефон апаратини ўғирлаб кетди. Шундан сўнг жабрланувчи аёл фуқаролик паспорти йўқолгани ҳақида шаҳардаги "Мулоқот" телевидениесига эълон беради. Шунда номаълум бир шахс, аниқроғи фирибгар 2019 йил 1 апрель куни соат 18:00 ларда телевидениедаги эълон бўйича унга кўнгироқ қилади.

— Мен паспортингизни топиб олдим. Ўттиз минг сўм суюнчисини берсангиз, хужжатингизни олмасиз, — деб алдайди.

Шундоғам 6 кундан бундан диққат бўлиб юрган 3.Усмонова эса унинг гапларига лаққа тушади. Яъни, у ўша қимсаннинг уяли телефони учун 30 минг сўмлик тўловни амалга оширади. Бироқ бировнинг ғам-ташвиши эвазига наф қўришдан уялган шахс қайтиб гўшақни кўтармайди. Бинобарин, бояқиш аёл бу хусусда Қўқон шаҳар ИИО ФМБга мурожаат қилади. Лекин тезкор вакил 3.Қўзибоев унинг

мурожаатини бутунлай бошқача тарзда расмийлаштиради. Аниқроғи, 3.Усмонова номидан гўёки фуқаролик паспортини буюм бозоридега эҳтиётсизлик оқибатида йўқотиб қўйгани ҳамда номаълум шахснинг уяли телефонига ўз ихтиёри билан 30 минг сўм пул тушириб бергани ҳақида ариза расмийлаштириб, мазкур аризани 2019 йил 3 март куни оддий мурожаат сифатида рўйхатга олади. Бу ҳам етмагандек, орадан бироз вақт ўтиб, 3.Усмонованинг номидан иккинчи аризани ёзиб, унда аввалги аризасини оқибатсиз қолдиришни, чунки фуқаролик паспортини топиб олганлиги, телефонига 30 минг сўм пул туширилган шахсга даъвоси йўқлигини маълум қилган. Сўнгра 3.Усмонованинг имзосини қўйиб, қалбақлаштириб, далилларни сохталаштиради. Шу орқали 2019 йил 17 апрель куни 3.Усмонованинг аризаси юзасидан жиноят таркиби мавжуд эмаслиги сабабли жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиб, ўғирлик ва фирибгарлик

жиноятини қасддан яширади. Оқибатда, 3.Усмоновага нисбатан содир этилган ўғирлик ва фирибгарлик жиноятлари ўз вақтида фош этилмай қолган. Қолаверса, у юқоридаги ҳаракати билан Ички ишлар вазирлигининг "ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги ариза, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга қўйиш ва ҳал қилиш тўғрисида"ги йўриқнома талабларини ҳам бузган. Мазкур ҳолат эса Фарғона вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда аниқланган. Суд-хатшунослик экспертизасининг 2020 йил 28 июлдаги 196-сонли хулосасида ҳам Қўқон шаҳар ИИО ФМБдан рўйхатдан ўтказилган ариза ва тушунтириш хатидаги ёзувлар ва имзолар 3.Усмоновага тегишли эмаслиги, яъни қалбақлаштирилгани қайд этилган. Қолаверса, вилоят прокуратураси томонидан бозордаги ўғирлик ва номаълум шахснинг фирибгарлиги юзасидан жиноят иши қўзғатилган.

Бундан ташқари, Зухриддин Қўзибоев

Қўқон шаҳар буюм бозоридега 2019 йил 6 март ва 20 август кунлари шаҳардаги "Янги бозор" ҳудудида, 26 июль ҳамда 28 август кунлари "Буюк ипак йўли" савдо тарзда яширган ва бу билан жабрланувчилар Д.Бектошева, Х.Эгамбердиева, З.Қамбаров, Х.Жамолидинова, Н.Набиев ва Х.Усмоноваларга зарар етказган. Бинобарин, тезкор вакилга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, 2020 йил 3 август куни эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган. Жиноят ишлари бўйича Фурқат тумани судининг 2020 йил 16 сентябрдаги ҳукмига биноан эса, жиноятчи ходим айбдор деб топилиб, 5 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига маҳкум этилди.

Оловиддин ҲАСАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Фурқат туман
суди раиси,
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ТЕЗКОР ВАКИЛГА ТЕГИШЛИ ЖАЗО ТАЙИНЛАНДИ



Президентимиз Олий Мажлисга ва халқимизга қилган навбатдаги Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар ҳусусида алоҳида тўхталди.

Биз адлия тизими билан ҳамиша ҳамкормиз



Яъни, сўнги 4 йил давомида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш борасида дадил қадамлар ташлангани, бу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинганини таъкидлади. Қолаверса, Юртбошимиз адолат, деган улуг мезоннинг давлатчиликнинг мустақкам пойдевори эканлигини, шу боис адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўрин эгаллашгани яна бир қарра эътироф этди. Энг муҳими, бу борада ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўплигига ҳам эътибор қаратди.

Шу ўринда мен судья ёрдамчиси сифатида маъмурий судларнинг адлия органлари билан ҳамкорлигини тилга олиб ўтмоқчиман. Айтайлик, бирор-бир фуқаро ўзининг қайсидир бузилган ҳуқуқини тиклашда амалий ёрдам сўраб, туман, шаҳар адлия бўлимлари ёки ҳудудий адлия бошқармаларига мурожаат қилади. Бундай мурожаатларни ўрганиб чиққан адлия ходимлари эса ўша юртдошимизнинг манфаатини кўлаб, судларга ариза ҳамда даъво аризалар киритишади. Натижада бу аризалар қонун доирасида ҳал этилади. Аксарияти қаноатлантирилади ҳам. Энг муҳими, манфаати кўзланган фуқаро суд ва адлия органларидан рози бўлиб, у давлат идораларига янада юксак ишонч билан қарай бошлайди. Бу эса Давлатимиз раҳбари томонидан зиммамизга юклатилган масъулиятнинг ҳаётий ифодаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Исломжон МАРИФЖОНОВ,
Фаргона вилоят маъмурий суди судья катта ёрдамчиси

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида суд тизими ва судьялар фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор янги вазифалар белгиланди.

СУДЬЯЛАР КЛУБИ МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНМОҚДА



Жумладан, Ўзбекистон суд тизимида илк бор Судьялар клубини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш масаласи белгиланди.

2021 йил 18 январдан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар клуби ўз фаолиятини бошлади. Бугунги кунда барча судьяларимиз мана шу клуб орқали қилашиб, касб фаолиятимиз билан боғлиқ турли масалаларда ўзаро фикр алмашиб турибмиз. Бу эса судьялик фаолиятимиз давомида бевосита суд амалиётида учрайдиган айрим муаммоларни судьялар ўртасида кенг муҳокама қилиб, унинг ечимини топишга шароит яратмоқда.

Ўз фаолиятим мисолида айтадиган бўлсам, имконият даражасида деярли ҳар кун Судьялар клубининг www.sudyalarklubi.uz манзиллидаги расмий веб-сайтига қиранан. Ҳамкасбларим томонидан

билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни диққат билан ўқийман. Судьялар клубида кўп йиллик ҳаётий ва иш тажрибасига эга бўлган судьяларимизнинг қимматли фикрлари билан танишамиз. Бу инсонларнинг мулоҳазалари биз ёш судьялар учун ҳаёт мактабидир.

Ахборот коммуникация технологияларининг ривожланганлиги туфайли мамлакатимизнинг исталган ҳудудидagi судья бемалол интернет орқали клубга иштирок этиш имкониятига эга. Интернет орқали онлайн тарзда ўзимизнинг билимимиз ва касбий малакамизни ошираяпмиз. Самимий, дўстона ва энг муҳими, барча судьялар ўзининг фикрини эркин айта оладиган ўзаро мулоқот майдони яратилди.

Клуб фаолияти бошланганидан буён, айна пайтгача суд ишларини кўришда процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўлаш бўйича бир қанча тавсия-

вий характерга эга бўлган маслаҳатлар ўртага ташланди. Жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судлар амалиёти ҳамда судьялар фаолиятидаги муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечими бўйича ҳуқуқий жиҳатдан асосланган тавсиялар шакллантирилмоқда. Судьяларнинг назарий билимлари, амалий тажрибаси ва касбий малакасини ошириш мақсадида илғор хорижий ҳамда халқаро тажрибалар, шунингдек, замонавий ахборот технологияларини қўлланиш бўйича янгилар клуб аъзоларига изчил етказиб борилмоқда.

Клуб фаолияти доираси кенгайиши асосида унинг самарадорлиги ҳам ортиб бориши аниқ.

Баҳодир ҚАЮМОВ,
жиноят ишлари бўйича Мирзо Улугбек туман суди судьяси

Бўраган эдингиз

ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТСАК, ТЎҒРИ БЎЛАДИ?



— ОТА-онам вафот этган. Ҳозирги кунда акам ва мен оилаларимиз билан ота-онамиздан қолган уйда истиқомат қилаяпмиз. Яқинда ўзаро келишиб, уйни акамнинг номига расмийлаштиришмоқчи бўлсак, билдикки, у ҳамон бундан 40 йиллар муқаддам отамга сотган кишининг номида экан. Энди биз уйни расмийлаштириш учун қандай йўл тутсак, тўғри бўлади?

Шодиёр ЭРЖИГИТОВ,
Тошкент шаҳри

— Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонунига асосан, нотариус қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришда мерос мол-мулкнинг таркиби ва жойини текшириб кўради. Мерос таркибини текшириш мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳоким қарори, олди-сотди, ҳада ва бошқа битимлар, мерос гувоҳнома) асосида амалга оширилади.

Мазкур ҳолатда ота-онангиздан қолган уй-жой бўйича мерос иши расмийлаштиришнинг имкони йўқ. Чунки отангиз уйни оғзаки келишувга асосан сотиб олган кўринади. Уй-жойни бошқа шахсга ўтказиш ҳақида битимлар ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланган бўлиши шарт.

Фуқаролик кодексининг 187-моддасига асосан, мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка 15 йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади (эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи мuddат).

Шунга кўра, Сиз уй-жойнинг расмийлаштириш учун мазкур уй-жой жойлашган ҳудуддаги судга ариза билан мурожаат қилишингиз лозим.

ВОЯГА ЕТМАГАН ФАРЗАНДЛАРИМ НАФАҚА ОЛИШИ МУМКИНМИ?

— ТУРМУШ ўртоғим ишлаб чиқариш вақтида бахтсиз ҳодиса сабабли вафот этди. Вояга етмаган фарзандларим боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан нафақа олиши мумкинми?

Насиба МУРОДОВА,
Чирчиқ шаҳри



— Ҳа, мумкин. Меҳнат кодексининг 291-моддасига асосан, боқувчисини йўқотганлик нафақаси меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллиги туфайли вафот этган боқувчининг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига, унинг меҳнат фаолиятининг мuddатидан қатъи назар тайинланади, агар у бошқа сабаблар натижасида вафот этган бўлса, шунга мувофиқ келадиган умумий меҳнат стажига қараб тайинланади, бундай меҳнат стажининг мuddати суғурта қилинган ходимнинг вафот этган кунига қадар бўлган ёшига боғлиқ бўлади.

Саволларга Юнусобод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Дилдор МУСАЕВА жавоб берди.

БУНДАН тўрт йил муқаддам мамлакатимизда бошланган кенг кўламли ислохотлар ҳамюртларимиз энг кўп муружоат қиладиган соҳалардан бири — банк тизимида ҳам яққол намойён бўла бошлади.

МИЖОЗ БАНК УЧУН ЭМАС, БАНК МИЖОЗ УЧУН

тамойили ўз ифодасини топмоқда

Оддий мисол, илгари фуқароларимиз пластик картасидаги маблағни нақд пул қилдиргунча соатлаб банк эшиги олдида сарғайиб турарди. Банкдан хорижий валюта сотиб олишни-ку айтмаса ҳам бўлади. Бугун эса банкларда бутунлай бошқача, ҳаёлимизга ҳам келмаган янгилик ва ўзгаришлар юз бермоқда. Соддароқ қилиб айтганда, илгари ҳамма пластик картасидаги маблағни нақд пул қилдириш учун савдо дўконлари ёки кимларгадир фоиз ҳисобига бўлса-да, нақд қилдириш учун ялинган бўлса, айни пайтда бу иш муаммосиз ҳал бўлмоқда. Қолаверса, кўпчилик “Пластик картангизда пул борми? “Click” орқали фалон ҳисоб рақамга ўтказиб берсангиз, мен сизга нақд пул бераман”, дея илтимос қилмоқда. Янада аниқроғи, “Мижоз банк учун эмас, банк миужоз учун”, деган тамойил амалда ўз ифодасини топмоқда.

ИПОТЕКА BANK

АТИБ “Ипотека банк”-нинг Самарқанд вилояти филиали фаолияти билан танишар эканмиз, бунга яна бир қарра амин бўлдик. Аввало, вилоят филиали томонидан банк хизматларини кўрсатишда миужозларга қулай шарт-шароитлар яратилган. Қолаверса, банк ходимлари уйма-уй, маҳаллама-маҳалла юриб, тизимдаги ислохотлар мазмун-моҳиятини аҳолига батафсил тушунтирмоқда. Шунингдек, “Ҳар бир оила тадбиркор” дастури доирасида кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлганларга амалий ёрдам берилмоқда.

— Филиалимиз чакана банк хизматлари, кооператив банк, молия муассасалари ва хорижий банкларнинг йўналишлари бўйича миужозларга хизмат кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, бугун банкимизда аҳоли ва юридик шахсларнинг депозитдаги маблағларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда ҳисоб-китоб амалиётларидан тортиб, то йирик лойиҳаларни молиялаштиришгача бўлган банк хизматлари анча кенгайган. Яъни, ходимларимиз ҳар қандай миужознинг иши бароридан келиши, ички ва ташқи бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда. — Айниқса, чекка ҳудудлардаги лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилган эътибор жуда юқори, — дейди

банк филиали бошқарувчиси, халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши депутати Феруз НАСРУЛЛАЕВ. — Гапимнинг исботи тариқасида айрим рақамларни келтирсам. Айни пайтда филиалимиз томонидан 5000 нафардан ортиқ миужозларга хизмат кўрсатилмоқда. Ўтган йили уларга ажратилган кредит маблағи 1 триллион 479 миллиард сўмни ташкил қилди. Шундан узоқ муддатли кредитлар 1 триллион 254 миллиард сўмга етди. Бу эса кредит портфелининг 85 фоизи демакдир. Ёки яқунланган 2020 йилда 500 нафардан ортиқ тадбиркорларга 309 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилди. Натижада минглаб янги иш ўринлари яратилди, вилоятимизнинг экспорт салоҳияти ортишига ҳам ҳисса қўшилди.

Бундан ташқари, 35 та маҳалладаги аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 15 миллиард сўм, 30 ёшгача бўлган тадбиркорларга эса 22,3 миллиард сўм миқдорда кредит маблағи йўналтирилди. Шунингдек, филиалда мобил илова хизмати жорий этилган бўлиб, миужоз банкка келмасдан туриб турли операцияларни амалга ошириши мумкин. Бу хизматлар эса 24/7 (туну кун) режимида олиб борилмоқда. Қолаверса, аҳолининг бўш пул маблағларини турли манфаатли омонатларга

жалб қилиш ҳажми ҳам кенгайиб, аввалги йилга нисбатан 50 фоизга ошган. Халқаро пул ўтказмалари орқали аҳолига маблағларини етказиш даражаси 1,2 баробарга кўпайган. Шу маънода айтганда, ҳозир биргина Самарқанд шаҳрида банкимизнинг 5 та валюта айирбошлаш шохбчаси мавжуд. Шу билан бирга, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 2020 йилда 588 нафар миужозга 139,7 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Қолаверса, банк филиали иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун ҳам ипотека кредитлари ажратмоқда.

— “Ипотека банк” хизматидан мамнунмиз. Айниқса, ходимларнинг муомала маданияти, хизмат кўрсатиш сифати бизга жуда маъқул. Шунинг учун ҳам бир неча йиллардан буён мазкур банк миужозиман, — дея ўз миннатдорлигини изҳор қилади филиал миужози, “Нурли келажақ ишонч” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бахтиёр Юсупов.

Дарҳақиқат, бугун Бахтиёржон сингари миужозларнинг сафи кенгайиб бормоқда. Негаки, “Ипотека банк” Самарқанд филиали уларни фаровон ҳаёт сари элтмоқда.

Азим ҚОДИРОВ,
журналист

Хизматлар лицензияланган.

